O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
CHORTOQ TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

161000, Chortoq shahri Istiqlol hiyoboni ko’chasi 24 uy

2022 - yil 26 - noyabr 682-6-88-Q/22 Chortoq tuman hokimligi

Қабристонларда гўр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9-мартдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди, 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармасининг 01.06.2022 йилдаги таклифи ҳамда Чортоқ туман ҳокимлиги молия бўлимининг 01.06.2022 йилдаги хулосаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Чортоқ туманидаги қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдори қуйидагича этиб белгилансин:

9 ёшдан кичиклар учун 1 та кабр ковлаш бир нафар шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи;

9 ёшдан катта бўлганлар учун 1 та кабр ковлаш бир нафар шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи.

3. Чортоқ туманидаги қабристонларда маросим хизматлари (масалан, маййитни кўтариб олиб келиш, қабрга қўйиш, кўмиш ва бошқалар) бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи (ҳар бир маросим хизмати учун алоҳидадан) этиб белгилансин.

4. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилади.

5. Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси:

қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдорига қатъи риоя этилишини;

ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

мазкур пулли хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор “Чорток хакикати” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (Chortoq.uz) жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Чортоқ туман ҳокимлигининг Ахборот хизматлари мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Чортоқ туман ҳокимининг 26.08.2014 йилдаги 743-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

10. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари А.Рустамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Отаходжаев**

Chortoq tuman hokimining
2022 yil 26 noyabrdagi
682-6-88-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Чорток туман Ободонлаштириш бошкармаси тасарруфидаги кабристонларда 2022 йил учун кабр ковлаш тузилган

К А Л К У Л Я Ц И Я

№	Хизмат тури	Хизмат хакки фоизда
1	9 ёшдан катталар учун 1 та кабр ковлаш	Энг кам иш хакки 30%
2	9 ёшдан кичиклар учун 1 та кабр ковлаш	Энг кам иш хакки 15%

Энг кам иш хакки базовий хисоблаш 2022 йил 1 июн ойидан 300000 сум

№	Хизмат тури	Хизмат хакки фоизда
1	9 ёшдан катталар учун 1 та кабр ковлаш	90000
2	9 ёшдан кичиклар учун 1 та кабр ковлаш	45000

изох: Махалла фукаролар йигинларида кам таъминланган оилалар, бокувчисини йукотган оилалар, ёшига тулмаган ёш болалар ва 1 гурух ногиронларидан кабр учун тулов олинмайди.